

Юридик департамент
Методология бошқармасида
2022 йил “14” сентябр да
509 -сон билан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ



**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБга алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-
ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш
ва кўриб чиқиш Регламенти**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Банк, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – Банк)да коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Банкнинг алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Банк раҳбарига ҳисобот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Банкнинг ҳар бир ходими коррупция ҳолатларига мувофиқ гумон ёки асос юзага келганда Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментига хабар бериши лозим.

4. Мурожаатчининг шахси ва тақдим этган маълумотлари конфиденциал маълумотлар ҳисобланади ва Банк уларнинг Одоб-ахлоқ кодекси 9-боб 20-бандида белгиланган тартибда махфийлигини ва хавфсизлигини ҳимоя қилади.

5. Банкнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатида асосан барча Банк ходимлари ходимлари ёки Банкнинг бошқа ходимлари Банкдаги коррупция ҳаракатлари ҳақидаги ҳар қандай маълумотни виждонан ошкор қилган шахсга жавобан салбий таъсир ўтказиши ёки ҳуқуқларини паймол қилиши тақиқланади.

6. Банк ходими ёки бошқа ҳар қандай шахс (потенциал аризачи) коррупцияга қарши курашиш тўғрисида маълумотлар (веб-сайт, маълумот брошюралари, видеоклиплар, ҳужжатлаштирилган маълумотлар) билан танишиш имкониятига ега бўлиши керак. Агарда мурожаатчи қўшича маълумот олмоқчи бўлган тақдирда Комплаенс-назорат департаментига мурожаат қилиб коррупцияга қарши курашишга оид қўшимча маълумотлар олиши мумкин.

7. Мазкур Регламент мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – Банкга Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линиясининг телефон раками орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

муурожаатчи – Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси орқали Банкдаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун муурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Банкларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийлаштирилган соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши курашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Банк ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Банк номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

релевант хабар (муурожаат) – Банкдаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар ёки муурожаат;

ходим – Банк билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир

қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

8. Банк коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфиденциаллик ва хавфсизлик – Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линиясининг хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Банкнинг барча ваколатли шахслари (Банк раҳбарияти, Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш ҳамда Комплаенс-назорат департаментлари ходимлари) ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Банк унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – Банк Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линиясига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан Банк ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Банк томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини қўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Банк айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилади.

II. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси

9. Релевант хабар қуйидаги Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линиясидан юборилиши мумкин:

Банкнинг расмий веб-сайти (<https://sqb.uz/uz/compliance-hotline/>);

Банкнинг ишонч телефон рақами орқали (0-800-120-8888);

Банкнинг телеграм боти ([@sqbantikor_bot](https://t.me/sqbantikor_bot))

Банкга оғзаки-ёзма (шахсан) мурожаат қилиш;

Банкнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун “Facebook”даги расмий саҳифаси) колл-центр, электрон мурожаат ва мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари орқали келиб тушган

малумотларни қабул қилган тегишли таркибий бўлинмалар хабарни Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментига етказди.

10. Банк Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси тўғрисидаги ахборотни расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равишда юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва ўқув материалларига киритади, Банк биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

III. Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси орқали келиб тушаётган хабарларни қабул қилиш

11. Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти Банкнинг Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линиясидан келиб тушган хабарларни дастлабки кўриб чиқиш ва Реестирини юритишга масъул ҳисобланади.

12. Банкга келиб тушган тааллуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги Банкларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низом ва Банкнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун Банк раҳбарига чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;

Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси орқали;

Банкга оғзаки-ёзма (шахсан) мурожаат қилиш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

13. Банкнинг Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти масъул ходими тайинланади.

Бунда, релевант хабар келиб тушганда Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниқлаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Комплаенс-назорат департаментига тақдим этади.

Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан 18:00 га қадар таҳлил қилади. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунда аниқлаштириш учун сақланади.

14. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, масъул бўлган ходим уларни қабул қилиб олади ва тақдим этиладиган маълумотни конфиденциаллигини сақлайди. Мазкур маълумотлар тааллуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

15. Банкнинг Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти релевант хабарни олгандан кейин мазкур Регламентнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Банкда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва IV- бўлимига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

16. Банк мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Банкнинг маъсул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Банкга келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

муурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қилади.

Муурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

17. Банк ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишнинг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

18. Олинган хабарлар бўйича барча тааллуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган муддатда (10 йилдан кам бўлмаган муддатда сақланиши лозим).

19. Релевант хабар Банкнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда ҳудудий Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти масъул ходимини келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қилади, у ўз навбатида ушбу хабарни Банкнинг Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментига юборади.

20. Банкнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

IV. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиш

21. Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментига келиб тушган барча хабарлар ушбу департаментнинг масъул ходимлари томонидан кўриб чиқилади.

Агар келиб тушган хабар ёки мурожаат коррупция ёки манфаатлар тўқнашувига оид бўлмаса, Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти ходими томонидан мазкур хабар/муурожаат кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

22. Коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнида ўз хатти-ҳаракатлари устидан релевант хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

23. Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти томонидан хабар Реестрга киритилади, карта шаклида расмийлаштирилади (ушбу Регламентнинг 2-илова) ва 1 (бир) кунлик муддатда дастлабки текширув ўтказиш учун Комплаенс-назорат департаментига тақдим этилади.

Комплаенс-назорат департаменти томонидан дастлабки текшириш хабар келиб тушган кундан бошлаб **10 (ўн)** иш куни ичида амалга оширилади.

Бунда хабарнинг релевантлиги текширилади ва таҳлил қилинади, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширилади.

24. Мазкур Регламентнинг 23-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

25. Дастлабки таҳлил натижалари масъул ходим томонидан Банк раҳбарига тақдим этилади. Дастлабки хулоса натижалари шу саволларга жавобларни ўз ичига олиши зарур.

а) ҳақиқатан ҳам ушбу ҳаракат Банкнинг коррупцияга қарши кураш талабларига, шу жумладан, коррупцияга қарши сиёсатига зид келадими?;

б) ушбу қоидабузарлик такрорийми?;

в) хизмат текширувини ўтказиш давомида коррупцияга оид ҳаракатларга далил бўла оладиган салмоқли фактларни топиш мумкинми?.

26. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Банк раҳбари томонидан ички меъёрий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади.

28. Релевант хабарларни мазмунан кўриб чиқиш Банкга келиб тушган кундан эътиборан **10 (ўн)** кун ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари, Банкнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан **1 (бир)** ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

29. Мурожаатга жавоб Комплаенс-назорат департамент тузилмаси томонидан тайёрланиб, Банк Раҳбарияти имзоси билан расмийлаштирилади.

30. Релевант хабарларни кўриб чиқишнинг якуний назорати жараёнида ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

31. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган релевант хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-каналли орқали юборилиши мумкин.

V. Ҳисобдорлик

32. Реестрдан Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти, Комплаенс-назорат департамент ходимлари, хабарларни кўриб чиқишда иштирок этган бошқа ходимлар (фақат шундай хабарларга доир), Банк раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосарлари фойдаланиши мумкин.

33. Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти томонидан ҳар ойда бир маротаба кейинги ойнинг 5 санасидан кечиктирмаган ҳолда Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарлар тўғрисидаги Реестр маълумотларини Комплаенс-назорат департаментига тақдим этиб боради.

Реестр маълумотлари асосида Комплаенс-назорат департаменти ҳар чоракда Банк раҳбарига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- келиб тушган тааллуқли хабарлар ва кўриб чиқилган тааллуқли хабарлар сони;
- коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган тааллуқли хабарлар сони;
- кўриб чиқиш муддатлари бузилган тааллуқли хабарлар сони;
- тааллуқли хабарларни кўриб чиқишнинг ўртача муддати;
- муурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган Коррупцияга қарши курашиш Комплаенс ишонч линияси ва бошқа статистик маълумотлар.

VI. Якуний қоидалар

34. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

35. Мазкур Регламент, муурожаатлар ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

36. Ушбу Регламент Банк бошқаруви қарори билан тасдиқланган кундан кучга киради.